



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “ 1 ” mart

Q-123 -son

Termiz sh.

Термиз тумани “Каттакум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан Professional Futbol Klubi “Surxon” МЧЖга “Футбол клуби спортчиларининг яшаш учун спорт базаси ҳамда футбол мактаби (академияси)ни ташкил этиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармониغا асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 03-02/127-сон йиғилиш баёни, Термиз туман ҳокимининг 2021 йил 18 январдаги 01-08/12-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Термиз тумани “Каттакум” массиви “Учқизил” маҳалласи худудидан Professional Futbol Klubi “Surxon” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 2қ-дала контуридаги 4,0 гектар яйлов ер майдони “Футбол клуби спортчиларининг яшаш учун спорт базаси ҳамда футбол мактаби (академияси)ни ташкил этиш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Professional Futbol Klubi “Surxon” МЧЖ “Футбол клуби спортчиларининг яшаш учун спорт базаси ҳамда футбол мактаби (академияси)ни ташкил этиш” учун ажратилаётган 4,0 гектар яйлов ер майдони учун, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини коплаш мақсадида 52 034 400 (эллик икки миллион ўттиз тўрт минг тўрт юз) сўм Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов) ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов